Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 129 (21. 228) 1992 йил 2 июль, пайшанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

БУГУН ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Суратда: Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларидан бир гуруҳи.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

АСОСЛИ МУНОЗАРА БЎЛСА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси кун тартибига қўйилиши кўзда тутилган масалалар билан танишар эканман, мустақил давлатимиз ўз қаддини тиклаш, ўзлигини танитиш, ўз халқининг фаровон турмушини таъминлаш йўлидаги ҳаракатларининг нечоғли тўғри йўлга тушиб олганлигининг гувоҳи бўлдим. Зеро, сессия муҳокамасига қўйилган масалалар эндигина ўзининг ҳақиқий мустақил хўжалигини тиклашга интилаётган ҳар бир давлат учун ҳаётий зарурлиги кўриниб турибди.

Гап ҳурматли депутатларимизнинг ана шу муҳим масалалар хусусида босиқлик билан ўткир мулоҳазалар юритишида, қабул қилинаётган ҳар бир қонуннинг келажак ҳаётда сўзсиз бажарилишини таъминлаш имкониятларини кўра билишда.

Сир эмас, шу пайтгача қабул қилинган қонунларнинг айримларини у ёки бу сабабларга кўра халқ хўжалигида тўлиқ қўлланиш, бажариш имконияти бўлмяпти. Менимча, аввало ўша қонунлар лойиҳаси пухта тайёрланмаган.

Бу сафарги сессияга «Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини тайёрлаш ва муомалага киритишга доир тадбирлар тўғрисида»ги масаланинг қўйилиши айни муддао бўлибди. Чунки миллий пулимиз бўлмай туриб, давлат савдосидаги, бозордаги нархнавони назорат қилиб, маош ёки нафақа билан нархнавонинг мутаносиблигини назорат қилиб бўлмайди. Шунингдек, сессияда кўриладиган чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайёрлаш ҳамда чақириб олиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисидаги масала ҳам ўта долзарб. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини жаҳонга етказадиган, ер юзидаги энг илғор мамлакатлар билан узвий сиёсий ва маданий алоқалар ўрнаталиган кадрларга эътибор муҳим масалалар.

Мен оддий қишлоқ ноиби сифатида сессия ишига муваффақиятлар тилайман.

С. ИЎЛДОШЕВ,
Киров қишлоқ Кенгаши ноиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими. Форғон районы.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН

● Аввал хабар қилганимиздек, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси кун тартибига шу куннинг энг долзарб масалаларидан 33 таси киритилган. Маълумки, депутатлар мазкур қонунларнинг лойиҳалари билан аввалдан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси, мудофаа тўғрисидаги, қуролли кучлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини тайёрлаш ва муомалага киритишга доир тадбирлар тўғрисидаги ва шунга ўхшаш бир қатор қонун лойиҳалари кўпчилик депутатлар ва фуқароларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Махсус мухбиримиз сессия бошланишидан олдин бир қатор депутатлар билан учрашиб, «Бўлажак сессиядан нималар кутяпсиз?»—деган савол билан мурожаат қилдилар.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари гуруҳининг ҳамраиси, Ўзбекистон халқ депутати.

●

— Ҳабарингиз бор, 17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иш тартибининг 39-бандига мувофиқ Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларидан 327 нафарини бирлаштирган депутатлар гуруҳи рўйхатга олинди.

Мазкур гуруҳимиз ўзининг дастурига эга. Унга биноан халқ ноиблари қайси вилоятда, шаҳарда ёки туманда бўлишидан қатъи назар, ўз ишларини мужассамлаштириб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, мавжуд муаммоларни жойларда ҳал этиш борасида яқиндан кўмаклашмоқда. Унинг асосий мақсади — халқ депутатлари орқали халққа ёрдам беришдан иборат.

Гуруҳимиз Олий Кенгаш раёсатида рўйхатдан ўтгач, унинг ишларига яшил йўл очилди, ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлди. Бу қонуний ҳуқуқлардан оқилона фойдаланиб, ҳозирги иқтисодий танглик пайтида халқнинг оғирини енгил қилиш, кўндаланг бўлаётган муаммоларни тўғри ҳал этиш мақсадида иш олиб борилмоқда.

Биз келгусида инсон ҳуқуқлари қонунларини яратишда умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқ мезонлари билан йўғрилган қонунларни қабул қилишда, республикага келиш ва кетиш, маънавий ҳақ-ҳуқуқлар, хориждаги ватандошлар, ҳажга бориш, табиат, маданий-мерос, миллий урф-одатлар, қадриятлар тўғрисидаги қонунларни яратишда Олий Кенгашга яқиндан ёрдам беришга шайланганмиз. Ҳали жуда кўп қонунлар яратилиши, мавжудлари эса янгиланиши керак.

Бугун очиладиган сессия кун тартибига жуда кўп масалалар киритилган. Мен истардимки, депутатлар ана шу қонунларни шошмасдан, атрофлича муҳокама қилсалар айни муддао бўлади.

Матбуотда Олий Кенгашнинг ҳисоботи босилганлиги яхши бўлди. Унинг иши билан танишиш имкониятига эга бўлдик. Бироқ, шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш, жоиз, деб ҳисоблайман. Одатда сессияларнинг стенограммалари депутатларга тарқатилиши керак. Биз эндигина биринчи сессия стенограммаларини олдик. Ваҳоланки, ҳозир ўнинчи сессия кетяпти. Ахир бу стенограммалар фақат назорат ва солиштириш учун эмас, балки депутатнинг фаол ишлаши учун жуда зарур. Балки, ана шу стенограммаларни парламент газеталарида босиб чиқариш мақсадга мувофиқ бўлар. Шунингдек, Олий Кенгаш депутат сўровларига ҳам ўз вақтида жавоб бериши керак, деб ўйлайман. Масалан, мен 9-сессияда берган сўровимга ҳали-ҳануз жавоб олганим йўқ. Ўйлайманки, депутатларимиз бу сессияда янада фаол ишлайдилар, ишларни жонлантирадилар. Ўзбекистон мустақиллиги учун ҳаводек зарур бўлган қонунларни мукаммал қабул қиладилар.

Ҳошимжон ТЕШАБОЕВ,
Андижон паррандачилик бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон Халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси аъзоси:

●

— Куни кеча рўзномангизда таниқли публицист ва драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Давлат тафаккури йўлида» сарлавҳали мақоласини ўқиб, жуда ҳам ҳаяжонландим. Муаллиф сессия олдидан ўзининг ажойиб нуқтаи назарини баён этган. Ҳақиқатан ҳам унда таъкидланганидек, мустақил Ўзбекистон учун мустақил фикрлайдиган кишилар зарур. Сессияга қўйилган масалалардан, айниқса мудофаа тўғрисидаги, республиканинг қуролли кучлари тўғрисидаги, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги, ҳарбий хизматчиларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги қонун лойиҳаларини шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалари деб биламан.

Республикамиз Президенти ҳозирги иқтисодий танглик пайтида аҳолини имкони борича ижтимоий ҳимоялашга ҳаракат қилмоқда. Фуқароларнинг ойлик маошлари ва нафақалари ошиб боряпти. Сессиядаги энг муҳим масалалардан яна бири, бу Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси тўғрисидаги ва шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаларидир. Биз мазкур қонун лойиҳаларини юзаки эмас, балки атрофлича муҳокама қилиб, қабул қилмоғимиз керак. Бу мустақил Ўзбекистон учун муҳим қонунлардир.

Менинг сессиядан умидим катта. Ўйлайманки, у «Мустақил Ўзбекистон учун» шнори остида якдиллик ва бирлик руҳида ўтади.

Тўлқиной ҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қурилиш, меъморчилик, уй-жой ва ободонлаштириш қўмитаси раиси муовини, Ўзбекистон Халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси аъзоси:

●

— Менинг назаримда, сессиянинг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаб қолишга қаратилмоғи керак. Шу боис сессияга киритилган бир қатор муҳим масалаларни тўла қўллаб-қувватлайман. Бизнинг биринчи галдаги вазифамиз — мустақилликни сақлаб қолишдир. Ўз армиямиз, ўз қуролли кучларимиз, ўз чегарамиз, ўз пулимиз бўлиши керак, албатта. Мен шахсан ўзим Президентимиз, ҳукуматимиз олиб бораётган ҳозирги сиёсатни маъқул деб биламан.

Мустақиллик йўлида катта қадам ташладик. Республикамизни 110 мамлакат мустақил давлат сифатида тан олди ва дипломатик алоқалар ўрнатиш истагини билдирди. Бу эса бизнинг олдимизга чет элларда ишловчи кадрлар тайёрлаш масаласини ҳам кўндаланг қўяди. Бир сўз билан айтганда, тарихий ва миллий заминда ўзбек дипломатиясини вужудга келтириш мустақил давлатимиз олдида турган муҳим вазифа деган фикрга тўла қўшиламан.

Маълумки, сессия кун тартибига чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ҳам ўта долзарб. Зеро, мустақил Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини жаҳонга етказадиган, ер юзидаги энг илғор мамлакатлар билан узвий сиёсий ва маданий алоқалар ўрнаталиган кадрларга эътибор муҳим масалалар.

Мен оддий қишлоқ ноиби сифатида сессия ишига муваффақиятлар тилайман.

С. ИЎЛДОШЕВ,
Киров қишлоқ Кенгаши ноиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими. Форғон районы.

Худойберган НОДИРОВ,
«Қорақалпоқагрострой» бирлашмасининг учинчи трестига қарашли 324-механизацилашган кўчма колонна бригадири, Қорақалпоғистон республикасида хизмат кўрсатган қурувчи, Ўзбекистон Халқ депутати, Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси аъзоси:

●

— Биз Қорақалпоғистонлик халқ ноиблари сессияга келишдан аввал ўз сайловчиларимиз билан яна бир бор учрашдик. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўргандик, наказларини олдик. Сайловчиларимиз сессияга қўйилган барча масалаларни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Бу масалаларни ҳал этиш шу кунларда мустақил Ўзбекистон учун ҳаводек зарурдир.

Маълумки, бизнинг республикамизда экология масаласи тобора оғирлашиб боряпти. Бу эса ҳаммани ташвишга солаётгани аниқ. Шу боис сессия кун тартибига киритилган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасига ўзимизнинг бир қатор таклифларимизни киритмоқчимиз.

Бундан ташқари мен қурувчи бўлганлигим туфайли қурилиш соҳасидаги тақчилликлар ҳам бизни безовта қилаётганлигини айтмоқчиман. Тўғри, ишлашни хоҳлаган имконият қидиради. Қурилиш материалларини тақчиллигига қарамай, ўзимизда уларни ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этмоқдамиз.

Хуллас, мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ишламоғимиз керак.

ЁРДАМЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

● Тошкентда, Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида «Ўзбекистон Республикаси колхозлари ва совхозларининг ёрдамчи саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг маҳсулотлари» экспозицияси очилди. Унда барча вилоятлар, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Экспозицияни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкил қилган. Ундан мақсад ёрдамчи корхоналарнинг имкониятларини кўрсатиб бериш ва уларнинг маҳсулотларига харидорлар топишдан иборат.

Намойиш этилаётган маҳсулотлар жуда хилма-хил — кичик буюмлардан тортиб саноат агрегатларигача бор. Улар кўпчилик хўжаликлар ўз қурилиш индустриясини ривожлантиришга, катта заводлар ва фабрикаларга нисбатан халқ истеъмоли моллари, чиқитлардан, масалан, пахта тозалаш чиқитларидан маҳсулот тайёрлашни тезроқ йўлга қўйишга интилаётганликларини акс эттиради. Қишлоқлардаги моҳир қўллар авлоддан авлодга ўтиб келган тажрибадан ҳозир ҳам моҳирлик билан фойдаланиб, темирчилик, тўқувчилик, тикувчилик, заргарлик ишида, қурилишда бу тажрибаларни бойитаётганлиги диққатга сазовор...

Ҳозир республикада 6520 та ёрдамчи корхона ишлаб турибди. Уларда 60 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Бу ёрдамчи корхоналар ўтган йили 944 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди, шу маҳсулотнинг деярли ярми халқ истеъмоли молларидир. Гап шундаки, қишлоқ аҳли шаҳарликлар халқ истеъмоли моллари билан таъминлашларини кутиб ўтирмай ўз кучларига ишонмоқдалар ва ҳатто ташқи бозорга чиқмоқдалар. Олинган фойда асосан қишлоқ аҳолисининг ижтимоий эҳтиёжларига, болалар муассасаларига, фахрийлар ва ногиронларга ёрдам беришга, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланмоқда.

Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар ёрдамчи хўжаликлар билан ҳунармандчилик корхоналарининг имкониятлари катталигини, лекин бу имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганини ишонарли тарзда кўрсатиб турибди. Бу соҳада Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Наманган вилоятларида катта иш қилинмоқда. Бу вилоятларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ижтимоий муаммони ҳал қилиш йўли деб ҳисобламоқдалар. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 1995 йилга қадар ва 2000 йилгача бўлган даврда ёрдамчи хўжаликлар ва ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг комплекс дастурини ишлаб чиққан ва у амалга оширилмоқда. Бундай корхоналар сонини кескин кўпайтириш кўзда тутилган. Тўғри, ҳозирги иқтисодий вазият уларнинг ривожланишига бироз тўсқинлик қилмоқда, хом ашё йўқ, машина-ускуналар қиммат... Лекин ҳаракат қилиш керак. Қуввати чоғроқ қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, халқ истеъмоли моллари тайёрлаётган қишлоқ корхоналари энг самарали эканлигини тажриба кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, бир қанча вазирликлар ва идораларнинг вакиллари колхозлар ва совхозлар, саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар

Кўргазма 9 июлгача давом этади.

(ЎзА мухбири).

• Ўзбекистон ва жаҳон

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА ТУРКИЯ

● КЕЧА Ўзбекистон телевиденнеси экрани бўйлаб қардош Туркиянинг телевизион кўрсатувлари намойиш этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон телерадио компанияси раисининг биринчи муовини Элбек Мусаев мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл диёримизга сафар билан келганида Тошкентда телевизион кўрсатувлар айир бошлаш ҳақида шартнома имзоланган эди. Шунга кўра биз дастлабки синов кўрсатувларини олиб бордик. Кечадан бошлаб Туркия телевидениесининг кўрсатувларини расман ўзимизнинг экранимизга чиқара бошладик. Томошабинлар Туркиядан берилган янгиликлар, болалар ижросидаги концертларни ва бу кўҳна мамлакат халқ ҳунармандчилигига доир лавҳаларни кўрдилар. Бундан ташқари «Туркия қалби» публицистик ҳамда «Қайноналар» каби кўрсатувлар ҳам томошабинларимизга манзур бўлди чоғи.

Туркиядан бевосита олиб намойиш этиладиган кўрсатувлар бир ҳафтада беш кун амалга оширилади. Бугунги дастурда эса «Ислом маданияти», «Катта опа» деган драматик телевизион спектакль ҳам бор.

Қардош мамлакат телевизион кўрсатувларини ҳаво мавжларига чиқаришимиз учун Тошкентдаги осмонўпар телевизион минорада барча замонавий ускуналар ўрнатилган. Ишимизнинг техник сифатлари кун сайин яхшиланиб боради.

А. ПЎЛАТОВ.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси бугун, 2 июль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 2 июль куни эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

БУХОРО—ИЗМИР

● ТУРКИЯ Республикаси Измир шаҳри волийси жаноб Юксел Чақмур бошчилигидаги расмий меҳмонлар Бухорога ташриф буюрди. Меҳмонлар сафида шаҳар ҳокимиятининг раҳбарлари, жамоат арбоблари, журналистлар бор.

Туркиялик қардошларни Бухоро вилоятининг ҳокими Д. С. Ёдгоров бошлиқ вакиллар, Бухородаги турк миллий маданий марказининг фаоллари карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди.

Вилоят ҳокимиятида қардош меҳмонларни қабул маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров, Измир шаҳри волийси Юксел Чақмур жаноблари нутқ сўзладилар. Меҳмонларга Бухоро вилояти фаҳрий фуқароси гувоҳномаси қимматли совғалар топширилди.

Туркиялик дўстлар сафар давомида Бухоро шаҳрининг меъморчилик обидаларини бориб кўришди. Саноат корхоналарида бўлиб, ўзбек ишчиларининг меҳнатини кўздан кечиришди. Вилоят туманларида бўлиб, қишлоқ хўжалик ишларининг ташкил қилинишини ўрганишди. Сафар Бухоро—Измир шаҳарларининг биродарлашуви ҳамда ишлаб чиқариш, маданият, маърифат соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолаш билан якунланди. Келгусида бу ҳамкорлик иккала халқ турмушига ҳам самарали таъсир қилиши шубҳасиздир.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг парламент мухбири.

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА

Азиз Носиров асли самарқандлик. Шу ердаги дорилфунунда таҳсил олди, комсомол, партия, совет ташкилотларида фаолият кўрсатди. Сўнг Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби ҳамда Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлади. Ҳозир Самарқанд шаҳар ҳокими. Гарчи ўзи юқори маҳкамаларда ишлаган бўлса-да, қоғозбозликни, расмиятчиликни ёмон кўради. Севган машғулоти — одамлар билан суҳбатлашиш.

ЭЛ ЯХШИЛАРГА ЭРГАШАДИ

— Сиз турли бўғиндаги, босқичдаги, тоифадаги маҳкамаларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келгансиз. Айтингчи, жумҳуриятдаги ҳозирги бошқарув тизими давр талабига жавоб берадими?

— Аслида бошқарув тизимининг яхши-ёмонлигини халқнинг кайфиятига қараб баҳолашган. Хусусий мулоҳазага келсак, унга муносабатим — ижобий. Ўтган етмиш йил бизни ўз-ўзини бошқаришдек ажойиб фазилатдан жудо қилди. Марказнинг тазйиқи оқибатида раҳбарликнинг маҳаллий шароитлари ҳисобга олинмади. Ҳатто бошқарувнинг район тизими ҳам Москвадан туриб белгиланди. Партия комитетларини иккитадан қилдик, вазирликларни қўшиб, ажратавердик. Партия ва ижроком қўшҳокимиятчилиги етмаганидек, Советларни ўйлаб топдик. Ҳатто даламизда пишиб етилган ғалланы ўриб олишда ҳам ипатоволиклар методига таяндик.

Москвада ундай экан, Москвада бундай экан... Ўзимизда-чи? Натижаси эса маълум: бошқарув усули чалкашиб кетди. Одамлар кимга нима деб боришини билмай қолишди. Чунки ҳеч қайси идора, маҳкама масъулиятни тўлалигича бўйнига олмайди. «Бор отангга, бор онангга» қабилида иш тутиб, масалани бир-бирига юклашаверишади. Ҳаммаси ўзини юқори қўйгиси келади.

Менимча бошқарувдаги ана шу қарахтликдан, инқироздан чиқишнинг бирдан-бир йўли минтақадаги тарихий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ҳокимлик тизимини йўлга қўйиш бўлди. Яшириб нима қиламиз: биз илгаридан битта маҳкамага бўйсуниб ўрганганмиз. Қўшҳокимиятчилик, гуруҳбозлик бизнинг халқимизга тўғри келмайди. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, ҳокимликни халқ турмушига яқин усул деб ҳисоблайман. Олий Кенгаш ноиби сифатида бу хусусда тайёрланган ҳужжатни қабул қилишда қатнашдим.

Бироқ ҳали бу ҳужжатни анча такомиллаштириш керак. Ҳокимга ҳар қанча ҳуқуқ берилса-да, ноиблардан масъулиятни соқит қилиш мумкин эмас. Ноиблар қарорда кўрсатилганидек вақти-вақти билан ҳокимнинг ҳисоботини эшитиб туришлари, у қабул қилган фармойишларни, қарорларни тасдиқлаб туришлари керак. Масаланинг маънавий томони ҳам бор. Масалан, мен идора, ташкилот раҳбарларини тайинлашда ноиблар, оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб тураман.

Ҳокимга кўп ҳуқуқ беришнинг яна бир томони ҳам бор. Айтайлик номуносиб танланган ҳоким ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўйиши, ишни, муҳитни барбод қилиши мумкин. Қабул қилинажак Қонунда мана шу томонлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Умуман, ҳокимлик лавозимининг бундан кейинги тақдири бу ишга илк бор тайинланган кишиларнинг обрўсига, иш тутишига боғлиқ. Бу эса сайланган ҳокимиятга , шу жумладан менга ҳам катта масъулият юклайди.

— Ҳокимлик, яъни якка раҳбарлик билан демократия бир-бирига халақит бермайдими?

— Ҳокимлик халқ ўртасида муқим ўрнашгунга қадар бу лавозим ҳақида ҳар хил гап-сўзлар бўлиши табиий. Албатта ноиблар Олий Кенгашда масаланинг қонуний томонини кўриб чиқишадию, аммо ҳоким иш услуби билан демократиянинг уйғунлиги ҳокимнинг иш тутишига кўпроқ боғлиқ деб ўйлайман. Мабодо у «фақат менинг гапим гап» деб туриб олса, у ҳолда фақат демократлар эмас, унинг атрофидагилар ҳам безиб қолишади.

Бундан ташқари, демократия — бу ҳар ким кўнглидагини сўзлайди, деган нарса эмас. Демократия — энг аввало, масъулият, одамларни танлай билиш, яхши фазилатларни қадрлашдир. Айрим шахслар жамиятдаги барчага маълум иллатни кўчага чиқиб баралла айтиб, масъулиятдан ўзини олиб қочадию, «мен демократман» деб кўкрагига урганн урган. Жуда кўп минтақаларда ҳокимиятни қўлга киритган «демократлар» айрим участкаларда «консерваторлар»дан ўтиб кетишганини ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шарқда демократиянинг маслаҳат, кенгаш усули кенг тарқалган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам салтанатни 99 фоиз маслаҳат ва атиги бир фоизгина қурол билан сақлаб турган. Кенгашиш, яхши ташаббусларга йўл бериш фойдадан холи эмас.

Наврўз байрами арафасида халқ эса доимо яхшиларга эргашган.

... Бир подшонинг Аёз деган вазири бўлган экан. Вазир эшикнинг пештоқига чорқ осиб қўйиб, остонани ҳар ҳатлаганда «Чоригингни унутма Аёз» деб қўяркан. Подшоҳ бунинг сабабини сўраганда у «Эй соҳибқирон, мартаба инсон кўзини кўр қилиб қўйиши мумкин. Мен ўтган оғир кунларимни унутмаслик ва уни яна бошдан кечирмаслик учун чоригимни эслаб тураман» деган экан. Биз эса оддий, меҳнаткаш халқимизни, халқ олдидаги маъсулиятимизни унутмаслигимиз керак.

— Айтингчи, миллий қадриятларни тиклаш ҳам ана шу масъулиятга кирадими?

— Дарҳақиқат, қадрият ҳар қандай халқнинг устуни дик. Эронийлар, корейслар, арманлар..., хуллас барча миллий байрамларни эсдан чиқарганимиз йўқ.

Зуллисонайнлик самарқандликларнинг қадрли фазилати бўлган. Алломалар эса 5-6 тадан тилни билишган. Масалан, Саидризо Ализода 12 тилда ижод қилган. Мактаб очиб, қўлланмалар ёзиб болаларга сабоқ берган. Бунинг эвазига у киши 9 йил қамоқда ётиб, ўша ерда вафот этган. Яқинда у кишининг 105 йиллигини нишонладик. Миллий қадриятларга ана шундай инсонлар ҳаёти мисолида ёндашишни истардим. Саидризо Ализода хотирасига шаҳар мактабларимизнинг бирига у кишининг номини бердик ва ҳайкалини очдик.

— Азиз Носирович, Самарқанд музей шаҳар сифатида кўпчилик эътиборини тортиб келаяпти. Бу ерда туризмнинг истиқболи ҳақида ҳам гап-сўз бўляптими?

— Очиғи, туризм Самарқандга бир тийин ҳам фойда келтирмаган. Бу соҳадан тушган маблағ ҳатто Ўзбекистонга берилмаган. Шу пайтгача халқаро миқёсда пул қўядиган идоранинг ўзи йўқ эди. Яқинда Самарқандда Ўзбекистон миллий банкининг бўлими очилди. Жаҳон стандартига тўғри келадиган иккита меҳмонхона қурилиши битай деб қолди.

Менга қолса, қурби етадиган одамларнинг ҳовлисида хорижий меҳмонларни кутиш мумкин бўлган меҳмонхоналар қуришни ташкил этардим. Ахир ота-боболаримиз мусофирларни уйларида кутиб жўнатишганку! Бу оила учун қўшимча даромад ҳам келтиради. Ҳозирча айрим ҳамшаҳарларим бу ишга киришдилар.

Лекин фақат сайёҳларнинг томоша пулига кўз тикиб ўтириш ярамайди. Биз келиб кетувчилар учун маҳаллий товарлар сотишни йўлга қўйишимиз зарур. Валюта билан савдо қилувчи дўконларни кўпайтирамиз ва бу борада биринчи қадам Японияннинг машҳур «Сони» фирмаси магазини ҳам очилди.

Самарқанддай муаззам масканни бизга мерос қолдиргани учун аждодларимизга ҳар қанча сажда қилсак арзийди. Биз эса энди бу осори атиқалар билан фақат мақтаниб юрмасдан, уларни асраб-авайлаш ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлашимиз керак. Наврўз кунида Самарқандликлар ана шу обидаларимиз таъмири учун Самарқандни тиклаш фондига пул йиғдилар.

— Суҳбатимиз сўнгида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг рўзномаси «Ўзбекистон овози»га муносабатингизни билмоқчиман.

— Мен ташкилий тузилиш даврида партиянинг раҳбар органида ишладим. ХДПнинг келажагига ишонаман. Зеро унинг мақсади улуғ, нияти холис. Жумҳуриятмустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклаш борасидаги ишларни одамлар яхши баҳолашаяпти. фақат партиянинг барча бўғинидаги раҳбарлар ана шу сиёсатни изчил давом эттириб, халқ орасига янада кўпроқ киришлари керак. Маъракалардан, маросимлардан унумли фойдаланиш лозим.

«Ўзбекистон овози» қайси номда чиқмасин, ҳамиша ўзининг босиқлиги, мазмундорлиги билан ажралиб турди. У воқеа-ҳодисаларни холисона ёритиб келди. Отахон рўзнома сифатида жумҳуриятда вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилаётир. Ҳозирги қийин шароитда бу рўзномани барчамиз қўллаб-қувватлашимиз зарур деб ўйлайман. Мен унинг ишчан ижодий жамоасига омадлар тилайман.

— Суҳбатингиз ва тилакларингиз учун раҳмат. Сизга ҳам ҳокимлик фаолиятингизда соғлиқ, сабру қаноат ва муваффақият тилаб қоламиз.

Суҳбатни Ф. ТОШЕВ ёзиб олди.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

1 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Э. Халилов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикасида байрам кунлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Лойиҳа билдирилган таклифлар, ўзгартишлар, қўшимчалар ва фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда асосан маъқулланди, уни Олий Кенгаш Раёсати муҳокамасига тақдим этиш, сўнгра эса навбатдаги сессия кун тартибига киритишга қарор қилинди.

Мажлисда Тошкент шаҳар судларининг одил судловни амалга оширишда қонунларни қўлланиш тажрибаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Олий суднинг суд ходимлари малакасини ошириш борасидаги ўрни ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди, айрим вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг таркибидаги ўзгартишлар тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг мажлиси бўлди. Уни комитет раиси Ҳ. Усмонова бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг «Халқ саломатлигини сақлаш ҳақида»ги ҳамда «Қон, унинг компонентлари ва илик донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Ушбу қонун лойиҳалари асосан маъқулланди. Бу ҳужжатлар экспертизадан ўтгандан кейин уларни Олий Кенгаш Раёсатига тақдим қилиш учун тавсия этилади.

Комитет мажлисида «ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июнь қарорининг ижроси тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ушбу қарори тўла бажарилмаётганлиги мажлисда қайд этиб ўтилди. **(ЎзА).**

ҚАРИЯЛАР ҲУРМАТДА

Тошкент областининг Бўстонлиқ райони ҳудудида жойлашган «Товоқсой» санаторийси Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийларининг саломатлигини тиклайдиган маскандир. Республика Социал таъминот вазирлигига қарашли бу оромгоҳда малакали шифокорлар, таббий ходимлар юрак қон-томир ҳасталиклари, нафас қисиш, асаб касалликлари билан оғриган беморлар дардига малҳам бўлишмоқда. Турли муолажалар қарияларнинг дардан фориғ бўлишларида ёрдам беряпти. Шунингдек, бу масканда фахрийларимизнинг яхши дам олишлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган, ҳамиша маданий тадбирлар ўтказиб турилади.

Суратларда: оромгоҳ ошхонасида тушки овқат вақти ҳамда санаторий бош шифокори С. Ҳаитбоевнинг дам олувчилар билан суҳбатлашаётган пайти акс этган.

И. ПАРТНОВ олган суратлар.

• НУҚТАИ НАЗАР

ИСТИҚБОЛ

Эндиликда хатоларни таҳлил қилган ҳолда давлат мулки билан шахсий мулк ўртасидаги девор олиб ташланмоқда. Албатта, бу иш бир кунда ёки бир ойда бажарилмайди. Чунки машинага мингач, уни ўрнидан энг катта тезлик билан қўзғатиш имконияти бўлмаганидек, авваламбор меҳнат халқ учун кундалик эҳтиёжга айланиши керак. Бинобарин ишлаб чиқарилган хом ашё республика ичидаги мавжуд ҳамда қурилиши лозим бўлган саноат корхоналарини таъмин қилиши, шу билан бирга четга чиқариб кўпроқ даромад келтирувчи манбага айланиб бориши лозим. Бу ишлардаги шошқалоқлик салбий ҳолатларни келтириб чиқариши табиий.

Мулкчилик масаласида кўрилаётган тадбирлар аҳолининг катта қисмини ҳаракатга солди. Айниқса, биз тадбиркор деб атаётган аҳолининг маълум бир қисми кичик корхоналар тузишга, иложи борича мустақил ҳаракат қилишга астойдил киришди. Бундай кишилар ҳар бир районда етарлича топилади. Уларнинг кўплари ишни ташкил этиб, маҳсулот чиқаришни йўлга қўйган бўлса, айримлари ташкилий ишлар билан банд. Улар ҳам албатта ўз ишини охирига етказади. Лекин масаланинг бошқа бир томони борки, буни эртароқ ўйламоқ ва эртароқ йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Эртанги кунимиз яхшиланиши табиий. Чунки кўрилган ва кўрилаётган тадбирлар асосида четдан келтирилиши лозим бўлган моллар ҳамда ички ишлаб чиқаришлар ҳисобига бозорларимиз тўлади. Ушанда бозоримизнинг равон ишлаши учун табиий ресурсларимиз нимага қодир, нима ишлаб чиқаришимиз, нимани айирбош қилиб, талабга қараб нимани тақсим этишимиз энг асосий ўйлаб кўрувчи муаммолардан биридир. Бунинг учун ишни аниқ ташкил этишни мувофиқлаштирувчи механизмни шакллантириш лозим.

Шу вақтгача бизда ҳамма ишлар режалаштирилган, ҳамма нарса ҳисобга олинган, шунинг учун таназзуллар бўлмайди, деб уқтириб келинди. Оқибатига эса бугун гувоҳ бўлиб турибмиз. Капиталистик дунёда ишлар режалаштирилмаган, шунинг учун кризислар бўлиб туради, деган тушунча ҳам йўқ эмасди. Бу ҳам пуч гап бўлиб чиқди.

Масалан, ривожланган Японияда мамлакатда ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш фермалари мавжуд. Бундай мувофиқлаштириш фермалари ишлаб чиқаришлардан тушган буюртмаларга асосан ишлаб чиқаришнинг қандай маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланганлигини ҳисобга олиб, хом ашёни қаердан олади, маҳсулотнинг баҳоси қанча бўлади, бир йилда қанча маҳсулот ишлаб чиқарилади, ички ва ташқи бозорларда қанчадан сотишни ва неча йил шу маҳсулотни ишлаб чиқаришни режалаштириб беради. Фермерлар эса белгиланган муддатгача ишлаб чиқаришни қандай тур маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаш лозимлиги юзасидан технология ва мутахассисларни тайёрлаб боради. Бу эса ушбу фермерларнинг қийналиб қолмасдан равон ишлашига, маҳсулотнинг бозорда инқирозга юз тутмаслигига имкон яратади.

Шунга асосан, республика миқёсидан то қуйи бўғингача районлараро ишлаб чиқариш ва корхоналарни мувофиқлаштирувчи қўмита тузиш мақсадга мувофиқдир. Бундай қўмита муҳолиф қўмита бўлиб, ҳар бир районнинг ишлаб чиқариш учун мавжуд ресурсларини, аҳолининг табиий ўсиши ва демографик жойлашувини ўрганади ҳамда шунга қараб аҳолининг истеъмол молларига бўлган талаб ва таклифларини ҳисобга олади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қанчаси ички ва қанчаси ташқи бозорга кетилишини ўрганиб, бир жалар билан алоқа ўрнатишга кўмаклашади. Район ҳудудида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, қандай корхона қуриш ёки хизмат кўрсатишни йўналтириб боради, нималарни айирбош қилишга такдим эътибор бермоқда. Иқтисодий занжирларнинг узилиши ҳисобида (қўшма корхоналарни ҳисобга олмаганда) жараёнларни янгилаш ишлари секинлашиб қолган. Мавжуд районлараро қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари олган фойдаларидан маълум бир қисмини хўжаликларга қайтариш услуби қўлланилмаяпти. Бунинг устига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон стандартига тўғри келмай, мавжуд бозоримиз торлик қилиб қолиши табиий. Бу эса кўпгина корхоналаримизнинг иқтисодий жиҳатдан синишига, ишсизларнинг кўпайишига сабаб бўлади.

Масаланинг иккинчи асосий томони шундаки, ташкил этилаётган давлат корхоналари, айниқса, кичик корхоналар район шароитини етарли ҳисобга олиб ёки олмасдан турдош бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи сифатида шакллантирилмоқда. Масалан, Китоб районида консерва заводи, шакар заводи, вино заводи, сутни қайта ишлаш заводларини қуриш учун ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари 3 та терини қайта ишлаш, иккитадан консерва, томат пастаси ишлаб чиқариш кичик корхонасини лифлар беради. Фан-техника тараққиётини мувофиқлаштиради ва ихтирочи-новаторлар ишини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишда ҳамда уни шакллантиришда амалий фикрлар беради.

Бу мақсад йўлида қилинган режалар бозорни тизимли асосда шакллантиришга имкон яратади, унинг кескинлашувига йўл бермайди.

Сир эмаски, мавжуд корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сифатига ҳисобланади. Надоматлар бўлсинки, биз йиллар давомида замонавий турмуш қуриш шиори остида миллий урф-одатларимизга болта урдик. Аммо, оғир кунларда ҳам самарқандликлар Наврўзни нишонладилар, дафн маросимларида анъаналарни йўқотмадилар. Шунинг учун бундай одамлар билан ишлаш завқли.

Ҳар қалай, бу масалада ҳозир эркин бўлиб қолдик. Аммо миллий қадриятлар билан диний расм-русмларни аралаштирмаслик керак. Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Кейин бу нарсани мода қилиб олиш ярамайди.

Самарқанд — кўп миллатли шаҳар. Шу боис биз ҳар бир миллат байрамларини биргаликда ўтказиш тадбирларини кўряпмиз. Наврўзни барча бирдек нишонлади. Шунақа катта сайил бўлдики, асти қўяверинг. Яқинда яҳудийларнинг Пурим байрамини нишонлаштирдик. Эронийлар, корейслар, арманлар..., хуллас барча миллий байрамларни эсдан чиқарганимиз йўқ.

Зуллисонайнлик самарқандликларнинг қадрли фазилати бўлган. Алломалар эса 5-6 тадан тилни билишган. Масалан, Саидризо Ализода 12 тилда ижод қилган. Мактаб очиб, қўлланмалар ёзиб болаларга сабоқ берган. Бунинг эвазига у киши 9 йил қамоқда ётиб, ўша ерда вафот этган. Яқинда у кишининг 105 йиллигини нишонладик. Миллий қадриятларга ана шундай инсонлар ҳаёти мисолида ёндашишни истардим. Саидризо Ализода хотирасига шаҳар мактабларимизнинг бирига у кишининг номини бердик ва ҳайкалини очдик.

— Азиз Носирович, Самарқанд музей шаҳар сифатида кўпчилик эътиборини тортиб келаяпти. Бу ерда туризмнинг истиқболи ҳақида ҳам гап-сўз бўляптими?

— Очиғи, туризм Самарқандга бир тийин ҳам фойда келтирмаган. Бу соҳадан тушган маблағ ҳатто Ўзбекистонга берилмаган. Шу пайтгача халқаро миқёсда пул қўядиган идоранинг ўзи йўқ эди. Яқинда Самарқандда Ўзбекистон миллий банкининг бўлими очилди. Жаҳон стандартига тўғри келадиган иккита меҳмонхона қурилиши битай деб қолди.

Менга қолса, қурби етадиган одамларнинг ҳовлисида хорижий меҳмонларни кутиш мумкин бўлган меҳмонхоналар қуришни ташкил этардим. Ахир ота-боболаримиз мусофирларни уйларида кутиб жўнатишганку! Бу оила учун қўшимча даромад ҳам келтиради. Ҳозирча айрим ҳамшаҳарларим бу ишга киришдилар.

Лекин фақат сайёҳларнинг томоша пулига кўз тикиб ўтириш ярамайди. Биз келиб кетувчилар учун маҳаллий товарлар сотишни йўлга қўйишимиз зарур. Валюта билан савдо қилувчи дўконларни кўпайтирамиз ва бу борада биринчи қадам Японияннинг машҳур «Сони» фирмаси магазини ҳам очилди.

Самарқанддай муаззам масканни бизга мерос қолдиргани учун аждодларимизга ҳар қанча сажда қилсак арзийди. Биз эса энди бу осори атиқалар билан фақат мақтаниб юрмасдан, уларни асраб-авайлаш ҳақида ҳам жиддийроқ ўйлашимиз керак. Наврўз кунида Самарқандликлар ана шу обидаларимиз таъмири учун Самарқандни тиклаш фондига пул йиғдилар.

— Суҳбатимиз сўнгида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг рўзномаси «Ўзбекистон овози»га муносабатингизни билмоқчиман.

— Мен ташкилий тузилиш даврида партиянинг раҳбар органида ишладим. ХДПнинг келажагига ишонаман. Зеро унинг мақсади улуғ, нияти холис. Жумҳуриятмустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни тиклаш борасидаги ишларни одамлар яхши баҳолашаяпти. фақат партиянинг барча бўғинидаги раҳбарлар ана шу сиёсатни изчил давом эттириб, халқ орасига янада кўпроқ киришлари керак. Маъракалардан, маросимлардан унумли фойдаланиш лозим.

«Ўзбекистон овози» қайси номда чиқмасин, ҳамиша ўзининг босиқлиги, мазмундорлиги билан ажралиб турди. У воқеа-ҳодисаларни холисона ёритиб келди. Отахон рўзнома сифатида жумҳуриятда вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилаётир. Ҳозирги қийин шароитда бу рўзномани барчамиз қўллаб-қувватлашимиз зарур деб ўйлайман. Мен унинг ишчан ижодий жамоасига омадлар тилайман.

— Суҳбатингиз ва тилакларингиз учун раҳмат. Сизга ҳам ҳокимлик фаолиятингизда соғлиқ, сабру қаноат ва муваффақият тилаб қоламиз.

Суҳбатни Ф. ТОШЕВ ёзиб олди.

• ҲАР САТРДА БИР ҚУВОНЧ

● АНДИЖОН

СЕРҲИММАТ ХИЗМАТ

● Андижон вилояти Соғлиқни сақлаш бўлими 1991 йил якунларига кўра республикада биринчи ўринни эгалади ва Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мукофотига сазовор бўлди.

Бугунги кунда вилоятда 94 та касалхона, 242 та врачлик амбулатория — поликлиника муассасаси, шу жумладан 341 та қишлоқ-врачлик амбулаторияси ва 545 та фельдшерлик-акушерлик пунктлари аҳолига тиббий-санитария ёрдамини кўрсатмоқда. Касалхонадаги ўринлар сони ўтган йилга нисбатан анча кўпайди. Сўнгги йилларда иқтисодий қийинчиликларга қарамай Соғлиқни сақлаш моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Асака ҳамда Жалолқудуқ районларида стамотология поликлиникаси, Чинободда 43 ўринли туғуруқхона, Хўжаобод районида ҳам шундай муассаса қурилиб фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг охиригача Андижон, Пахтаобод, Бўз, Булоқбоши районлари ва Андижон шаҳрида ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари учун янги бинолар фойдаланишга топширилади.

ЙИГИРМА ЙИЛДАН СЎНГ

● Бўз районидаги Абу Райҳон Беруний номли 15-ўрта мактабда собиқ ўқувчилар учрашуви бўлиб ўтди.

Мактабни 1972 йилда битирган ўқувчилар учрашув арафасида илм сирларини ўргатган марҳум устозлари қабрларини зиёрат қилдилар. Сўнгра мактабда собиқ ўқувчиларнинг учрашуви бошланди. Уни собиқ ўқувчи, мактаб директори Абдужалил Абдуҳолиқов очди.

Учрашувда иштирок этган собиқ ўқувчилар: «Озод» жамоа хўжалигининг раиси, Икромжон Маматов, шоир ва адиб Муҳаммад Али, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, адабиётшунос Найим Каримов, район халқ таълими бўлими мудири Зокиржон Қаҳҳоров ва бошқалар Ўзбекистоннинг мустақиллиги йўлида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган турли касб эгаларини самимий қутладилар.

М. ҚУРБОНОВ.

● ХОРАЗМ

ШИФОКОРЛАР ОЛҚИШИ

● Урганч шаҳридаги биринчи вилоят шифохонасининг клубида ўтказилган хайрия концертидан касалхона касабалар уюшмаси ғазнасига қарийб 2700 сўм «соф даромад» тушди.

Шифокорлар ва беморларга Ҳонқа ноҳияси маданият уйининг «Гулёр» ашула-чолғу дастаси санъаткорлари ҳамда Хоразм телевидениеси ҳузуридаги мақомчилар дастаси бадиий раҳбари, хонанда, айни пайтда шифохонанинг кўз касалликлари бўлимида даволанган Рўзимат Жуманиёзовлар сидқидилдан хизмат кўрсатишди. Даволаш масканинг етакчи ва тажрибали шифокорларидан, бош врач, медицина фанлари номзоди Б. Хусаинов, Г. Раҳмонова, Р. Отамуродова, Р. Ҳасанова, Р. Рўзибоев, У. Жуманиёзова ва бошқалар ҳайрия жамғармасига баракали ҳисса қўшдилар. Саховат тадбирига кўпгина беморлар қўшган улуш ҳам ибратли бўлди.

ИЖОДИЙ ДАСТА ХАЙРИЯСИ

● Хоразмда жумҳуриятмаданият жамғармасининг Наманган вилояти бўлими қошида ташкил этилган «Ислом маданияти қушиқлари» ижодий дастаси бир неча кун меҳмон бўлиб, воҳа меҳнат аҳлига маданий хизмат кўрсатди.

Вилоятнинг Урганч, Хива, Ҳонқа, Шовот шаҳарларида, Қариялар уйи ҳамда қатор санаторий-профилакторийларда намойиш қилинган хайрия концертларида боболаримиз айтган ва тинглаган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Маҳтумқули каби мутафаккир шоирлар қаламига мансуб қўшиқлар маҳорат билан ижро этилди.

Хоразмлик санъат мухлислари дастанинг ака-ука Рустамқори ва Неъматжон Нуъмонов, Қундузхон Собирова, Содиқжон Эгамбердиев ва бошқа талантли хонандалар қуйлаган панд-насиҳат қўшиқларини зўр қизиқиш ва мароқ билан тингладилар.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқ иродаси

• *Муштарий: хабар беради*

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Дружба шаҳридаги «Ўзбекистон» кичик корхонаси Туркманистоннинг «Дарғонота» районидаги «Лола» кичик корхонаси билан ҳамкорликда ишлайдиган бўлди. Ўзаро тузилган шартномага кўра, дружбалик ишбилармонлар «Лола» кичик корхонаси тасарруфидаги 30 гектар бўз ерни бир йил муддатга сотиб олдилар.

— Янги ерга асосан шоли, сабзавот, ва полиз экинлари экдик, — дейди «Ўзбекистон» кичик корхонаси директори Зарифбой Абдалов. — Олинган ҳосилнинг бир қисмини бартер йўли билан узоқ-яқин ўлкалардаги аҳолига етказиб бериб, зарур халқ истеъмоли моллари, қурилиш ашёларини оламиз.

...таклиф қилади

БОШ МАЙДОН ҚИЁФАСИ

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Мустақиллик майдонимизнинг катталигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ерга ўрнатилажак монумент Ленин ҳайкали сингари улкан бўлиши керак.

Бизнинг таклифимиз: Мустақиллик майдонида жумҳурият миқёсидаги катта жомеъ масжиди қурилса... У бошқа бинолари билан уйғунлашса-ю миллий меъморчилик санъатимизнинг кўрки бўлиб қолса. Масжид ҳозирги Ленин ҳайкалининг ўрнига, бош пештоқи кунчиқар томонга қараган ҳолда тушса. Унинг олдидаги катта майдон ҳайит намозларини ўқиш, Наврўз байрамларини ўтказишга хизмат қилса.

Масжиднинг марказда бўлиши мусулмон мамлакатлари билан кундан-кунга ривожланиб бораётган алоқаларимизнинг равнақ топишига, дўст давлатлар вакиллари меҳмон бўлиб келганда ибодат учун уларни бу ерга таклиф этишга қулай шароит яратилган бўлур эди.

Бир гуруҳ меъморлар номидан

С. ЮНУСОВ,
Р. ЗОҲИДОВ.

...мулоҳаза билдиради

ФОЙДАСИ ТЕГАРДИ

Мен бир масала юзасидан кўп идораларга учраб, ижобий натижа бўлмаганидан «изга — рўзномамизга ёзишга мажбур бўлдим. Шаҳримиздаги Юнусобод туманининг 15-мавзесида жойлашган 272-мактаб ёнида бир вақтлар чўмиладиган каттагина ҳовуз қурилганди. Ҳозир ана шу ҳовуз ва унинг атрофидаги анчагина жой қаровсиз ётибди. Тобора ахлатхонага айланиб боряпти.

Ҳозир ишбилармонлар уй-рўзғор, ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаб, аҳоли учун зарур моллар ишлаб чиқаришяпти. Аммо Тошкентдай шаҳри азимда бу иш билан шуғулланадиган одам топилмаяпти.

Мактабнинг нариги ёғида фабрика бор. У ердан чиққан мато қийиқлари ёқиб юборилияпти. Қайта ишлаш йўлга қўйилмаганидан шундай бўлмоқда. Қайта ишлаш йўлга қўйилса шаҳримиз ҳам озода бўларди, ҳам ҳозирги қийин шароитда халққа фойдаси тегарди.

Ш. ТЎЛАГАНОВ.

● «Ўзбекистон овози»га олти ой мобайнида қарийб 5 мингдан зиёд хат-хабар, фотолавҳа, шикоят аризалар келди. Шуларнинг 3 мингдан зиёди газетамиз саҳифаларида эълон қилинди. Айримлари тегишли ташкилотларга текшириб, ҳал қилиш учун юборилди.

Лекин айрим мутасадди ташкилотлар муддати ўтганлигига қарамай меҳнаткашларнинг талабларини қондиришга шошилмаяптилар.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Г. Низомов, З. Давлатов, А. Чўтбоев, Г. Нарзуллаевларнинг шикоятларига жавоб бермади.

Қашқадарё вилояти Қамаши район ҳокимлиги Ш. Хожиев, А. Тўраевларнинг, Деҳқонобод район ҳокимлиги Ж. Ражабов, Д. Худойбердиеваларнинг аризаларини инобатсиз қолдирган.

● Кейинги пайтда газетамизда эълон қилинган мақолаларга билдирилаётган фикр-мулоҳазалар кўпайди. Бундай хатлар 400 дан кўпроқни ташкил этади.

Халқ оғзаки ижодининг билимдони, достонлар, ғазалларнинг моҳир ижрочиси сурхондарёлик Шоберди бахшини нафақат жумҳуриятимиздаги, балки қўшни республикалардаги санъат шайдолари ҳам яхши билишади.

Жамоатчи мухбир. Ҳ. Мирзакаримов тасвирга туширган ушбу сурат Шоберди бахши Болтаев жўшиб куйлаётган пайтда олинган.

• *Газетхон илҳоми*

АФҒОНИМ ҚАНИ?

Мен бугун боғ сайрида, гул юзли тобоним қани?
Гул қани? Райҳон қани? Жисмимга ул жоним қани?

Йўлларига кўз нигорон, интизормен парвойи йўқ,
Келмаса мотамсаромен дилга оромим қани?

Булбул ҳам озирда бўлди, тонгдаги афғонима
Айтгил эй тонги сабо, кокил паришоним қани?

Келса айёми баҳор, найсонли юз ювгай чаман
Кўз ёшимни этди найсон, кулган чаманзорим қани?

Келмаса бўл дам қошимга, дилда сабрим қолмагай
Менга бу ғам юкин ортган, ул лаъли хондоним қани?

Дардли қалбим ўтда ёнгай, келмаса ҳеч чора йўқ
Луқмони, Сино этолмас дарднмга дармоним қани?

Ўзни ёлғиз ҳис этар гуллар чаманда сен сизин.
Бу чаманнинг орзуси, жаннат ул рўзвоним қани?

Эй Чақирий тонг насимий эсди гулшан қўйнида
Ташриф этди дўсти—ёрим ул тортган афғоним қани?

М. ЧАҚИРИЙ.

• *Акс-садо*

ШУНДАЙ УЮШМА ЗАРУР

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг сара намуналарида халқимизнинг асрий орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Жаҳон туркологлари томонидан оғзаки ижодиётнинг улкан сиймолари сифатида эътироф қилинган Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғли каби бахши шоирлар миллатимиз ифтихоридирлар. Улар завқ билан қўйлаган «Алпомиш», «Гўрўғли» сингари юзлаб достонлар бадиятнинг нозик дурдонаси. Уларни қўйловчиларни эса жаҳон классиклари даражасидаги шоирлар қаторида эъзозламоқ керак.

Таассуфки, бугунги кунда халқ ижодкорларига бўлган муносабатни кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бир қатор, ҳатто ҳали ёзиб олинмаган достонлар, қўшиқларни дилида ва тилида асраб-авайлаб келаётган, ўз маҳорати билан уни бойитаётган бугунги халқ шоирлари етарли даражада қадрланмаяпти.

Шу нуқтаи назардан профессор Малик Муродовнинг («Ўзбекистон овози» 7 май, 1992 йил) Ўзбекистон халқ бахшилари уюшмасини тузиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватламоқ лозим. Ўстоз олим шундай уюшмани ташкил этиш тўғрисида узоқ йиллардан буён тинмай бонг уриб келаётганлиги кўпчиликка маълум.

Ҳатто қатор илмий кенгашлар, даврий нашрлардаги мақолаларида уюшманинг зарурлигини назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Аммо, халқ оғзаки ижодига масъул ташкилотлар, жумҳурият раҳбарлари олимнинг истагига эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар.

Таклиф айримларга эриш туюлаётган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яъни моддий қийинчилик пайтида бундай ташкилот тузиш осонми дейишлари ҳам мумкин. Агар бугун биз юз минг сарф қилишдан бош тортсак, кейинги миллион-миллион харажатлар ҳам бой берилган имконият (вақт) ўрнини боса олмайди. Яна бир таклиф: «Алпомиш» номида Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилса. Бундай мукофот халқ достончилари, унинг забардаст тадқиқотчиларига берилса. Бундан ҳам ортиқ унвон борми? «Ўзбекистон овози»нинг сайъи-ҳаракатлари сабаб шояд «Ўзбекистон халқ бахши-шоирлари уюшмаси»га асос солинса.

Норбек УСАНОВ.

• *Ишбилармонлар*

ЙЎЛ БЕРИНГ: «НОН» МАШИНАСИ!

Ёрқишлоқ дўппидекгина, аммо шаҳар тусли гўзал қишлоқ. Унинг ўз ишбилармон кишилари бор. Шундай кишиларнинг елиб-югуришлари туфайли қишлоқ меҳнаткашларининг узоғи яқин, мушкули осон бўляпти.

Энди қишлоқ аҳолиси тўймаърака ва бошқа маросимлар учун савдо корхоналаридан талон орқали бериладиган ун, гуруч, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар учун йигирма чақирим узоқликдаги Жалолқудуқ район марказига бориш ташвишидан қутилишди. Чунки тажрибали савдо ходими Неъматжон Ҳамроқуловнинг ташаббуси билан хўжалик ҳисобида иш юритувчи Ёрқишлоқ савдо корхонаси район матлубот жамиятидан ажралиб чиқди. Бу корхонага Неъматжон Ҳамроқуловнинг ўзи директор этиб тайинланди.

Шу корхона мутахассисларининг маслаҳати билан яна бир хайрли ишга қўл урилганди. Маҳамматжон Каримов район умумий овқатланиш бўлимига қарашли омборхона мудирлигидан истеъфо берди. Аскарликдан келиб, ишсиз юрган Абдурасул Ашуров, Маъмур Исломов, Баҳром Мўйдинов, Руслан Розиқов, Шавкат Рўзиев каби йигитларни ёнига олди.

Ҳеч қандай махсус қурилиш ташкилотига мурожаат қилмасдан ўзлари нон ишлаб чиқариш корхонаси қуришга киришдилар. Қурувчи йигитлар билан шундай келишилди: корхона битгач қурувчи йигитлар ишсиз қолишмайди. Ўзлари шу ерда новвой бўлиб ишлашади. Бу таклиф йигитларга ҳам маъқул тушди.

Новвойлик сир-асрорини билган Абдуҳамид Маъмуров йигитларга ўз ҳунарини ўргатди. Қишлоқ меҳнаткашлари йигитларнинг бу хайрли ишини қўллаб-қувватлашди.

Шу ердаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» жамоа хўжалиги раҳбариятининг ёрдами беқиёс бўлди. Қурилишда иш вақт билан ҳисоблашмай олиб борилди. Тезкор усул ўз натижасини берди. Роса бир йил деганда ишчилар учун чўмилиш, дам олиш каби барча қулайликлар мавжуд, бир кеча-кундузда икки тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона битказилди. Бу эҳтиёжни икки ҳисса ортиғи билан қоплайди. Уни очиш олдидан қишлоқ оқсоқолларига ош тортилиб, дуофотиҳа олинди.

Янги нон ишлаб чиқариш корхонасининг очилиш маросимида район ҳокими Азаматжон Исмоилов, ХДП район кенгаши биринчи котиби Қирғизистоннинг Қорагулча Мадаминжон Иминов, қўшни район ҳокимлиги вакиллари иштирок этдилар.

— Қурилишни тезкорлик усулида олиб боришимизнинг яхши томони шундаки, — деди корхона директори Маҳаммажон Каримов — уни қурилиш материаллари нисбатан арзон пайтда битказиб олдик. У бор-йўғи 300 минг сўмга тушди.

Ҳозир корхонада кунига ўн хилдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти. Ҳар куни тонг отароотмас кишилар димоғига ёқимли бир ҳид урилади. Ёрқишлоқ кўчалари бўйлаб ёнбошига «Нон», деб ёзилган машина 23 та савдо шахобчасига нон тарқатади. Одамларни турли маросимлар учун нон ёпиш, узоқдан нон ташишдан қутилганини айтмайсизми. Уларнинг ҳар қандай буюртмаларн шу ернинг ўзида бажариляпти.

Йўл беринг: «Нон» машинаси келяпти.

Тўхташ АШУРОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ НАЖОТ ХИЗМАТИ

МУДИР УЗР СЎРАДИ

«Ҳурматли рўзнома ходимлари! Биз Беруний номли давлат хўжалигининг биринчи бўлими олтинчи бригадаси ҳудудида истиқомат қиламиз. Қишлоғимиз аҳолисига хизмат қиладиган магазин мудири жуда қўпол. Бунинг устига хоҳласа дўконни очади, хоҳламаса йўқ. Шунинг учун зарур пайтда керакли нарсани ололмай сарсон бўляпмиз.

Ориф ПАРДАЕВ,
меҳнат фахрийси».

● Ушбу шикоятга БУЛУНҒУР РАЙОН КЕНГАШИ қуйидаги жавобни йўллади:

Хат юзасидан текшириш ўтказилди. Ҳақиқатан Беруний номли давлат хўжалигида жойлашган 11-савдо дўкони мудири Эгамназар Ҳайдаров дўконни ўз вақтида очмайди. Бунинг устига одамларга қўпол муомалада бўлади.

Қишлоқ оқсоқоллари иштирокида дўкон мудирининг фаолияти муҳокама қилинди. Сўнгра ушбу муҳокама якуни Красногвардейск ишчилар кооперацияси правление йиғилишида кўриб чиқилди ва Эгамназар Ҳайдаровга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Савдо дўкони мудирининг бу лавозимда яқиндан бери ишлаётганлиги ва йўл қўйилган хатоларини тушуниб, оқсоқоллардан узр сўраганн, ишда тубдан бурилиш ясашга сўз берганини ҳисобга олиб, бир ой синаш муддати билан ишда қолдирилди.

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Биз яшайдиган «Мангитон» қишлоғида ёшлар учун маданий ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам, клуб ҳам йўқ. Кексалар чойхона йўқлигидан нолишмоқда. Ёш болалар боғча йўқлигидан оналари билан далага чиқади. Ўқувчилар уч километр узоқликдаги мактабга қатнашди.

Наргиза СУЮНОВА.

● Текшириб ҳал қилиш учун юборилган ушбу мактубга КАТТАҚУРҒОН РАЙОН ҲОКИМЛИГИдан шундай мазмунда жавоб келди:

— Текширишда шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан унда кўрсатилган камчиликлар мавжуд. Хусусан, меҳнаткашлар учун маданий ҳордиқ чиқариш масканлари йўқ.

Райондаги Ленин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Т. Ғаффоров, бошланғич партия ташкилоти котиби М. Мустафоев, қурилиш техниги Х. Худоёровлар билан масала жиддий муҳокама қилинди. Тадбирлар тузилиб, уларни амалга ошириш режалари белгиланди.

Ҳозир «Мангитон» қишлоғида болалар боғчаси, сартарошхона, дала шийпони, тиббиёт пункти, сомсахона ишлаб турибди. Қариялар чойхонаси ҳам ишга туширилди. Қишлоқ ҳудудига автобус қатнамоқда.

Саккиз йиллик мактаб биноси қурилиши бошланган. Мактаб шу йил фойдаланишга топширилади. Сўнгра клуб қурилишига киришилади.

ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛАДИ

«Мирзачўл» районидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалигининг Усмон Юсупов номли кўчасидаги уйларга кўчиб кирганимизга уч йил бўлди. Шундан бери йигирмата хонадонга табиий газ ўтказилмаган.

Аслида кўчамиздан бор-йўғи 200 метр наридан газ қувури ўтган. Юқори ташкилотлар у йўқ, бу йўқ, деб сарсон қилишяпти. Охири ўзимиз қувур учун пул йиғиб, совхоздаги масъул ўртоқларга бордик. Аммо ҳануз иш юришмаяпти.

Холисхон ҲАКИМОВА
ва бошқалар, жами 13 имзо».

● Муштарийлар шикояти МИРЗАЧЎЛ РАЙОН ҲОКИМИГа юборилиб, у ердан қуйидагича жавоб олинди:

Давлат хўжалиги раҳбариятн жуда қийинчилик билан пўлат қувурларни сотиб олган. Ҳозирга келиб, пудратчи «Джизакирмонтаж» трестнга қарашли 10-механизациялашган кўчма колонна жамоаси томонидан газ қувурлари ётқизиб бўлинди. Ҳадемай узунлиги икки километр бўлган табиий газ қувури фойдаланишга топширилади.

МАМНУНМИЗ

● Маълумки, рўзномамизда «Ҳасратдан чанг чиқади» сарлавҳаси остида мақола эълон қилиниб, унда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ районига қарашли Кавардон қишлоғидаги ижтимоий камчиликлар қаттиқ танқид қилинган эди.

— Шундан сўнг қишлоқда бирмунча ижобий ўзгаришлар рўй берди,— деб ёзади Оқовул қишлоқ Кенгаши депутати Ғайрат Иброҳимов. — Масалан, кўчалар қайта асфальт қилинди. Колхозчиларга ер участкалари ажратиб берилди. Ҳозир эса қишлоқ хонадонлари газлаштирилмоқда. Қишлоқ марказидаги катта масжид ҳашар йўли билан қайта таъмирланяпти... Гарчи бу борада Юқори Чирчиқ районидаги айрим мутасаддилар сусткашлик қилишаётган бўлишса-да, аммо Тошкент вилояти ҳокимияти, шахсан ҳоким муовини Т. Мирёқубов ва вилоят ер тузиш ҳамда ундан фойдаланиш давлат нозирлиги бошлиғи Ў. Тўхтахўжаевлар қишлоқдаги айрим муаммоларни ҳал этишда бизга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Маълумки, Кавардон қишлоғида қарийб 10 мингга яқин аҳоли яшаяпти, десак муболаға бўлмайди. Ҳар бир хонадонда чорва бор. Лекин уни боқиш учун яйлов етишмасди. Бир пайтлари «Политотдел» жамоа хўжалигининг Кавардон участкаси ерлари айрим сабабларга кўра қонунсиз равишда қўшни жамоа ва давлат хўжаликлари ихтиёрига ўтказиб юборилган эди.

Эндиликда Юқори Чирчиқ ва Паркент районлари ҳокимлари гувоҳлигида «Чоткол» давлат хўжалиги ихтиёридаги ерлардан 200 гектарини кавардонликлар ихтиёрига беришга аҳд этилганлиги эълон қилинди. Бу жойлардаги экин ҳосили йиғиштириб олингач, кавардонликларнинг азалий орзуси ушалади.

Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси чеварлари ҳозирги иқтисодий танглик шароитида ҳам мўл ва сифатли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишмоқда. Бунга илғор ишчилар, айниқса баракали улуш қўшишмоқда. Шулардан бири Манзура Эргашевадир.

Корхонага ишга келганига эндигина икки йил бўлган бу илғор ишчи доимо касбдошларига ўрнак бўляпти.

Суратда: М. Эргашева.

В. ТУРАЕВ сурати.

• *АЖАБ САВДОЛАР* •

ҚИЛМИШИГА ЯРАША

Андижон район Найман қишлоғида туғилган Анваржон Мирзаевни баъзилар танийди, баъзилар эса танимайди. Танимаганлар шукроналар айтсалар арзийди. Таниганлар эса, кўпинча бармоқ тишлаб, бош қашлаб, ёқа ушлаб қоладилар.

Унинг қинғирликлари, эҳ-ҳей... не-не эшакларга юк бўлмайди, дейсиз? 1989 йили тумшуғидан илиниб, Комсомолобод райони халқ суди томонидан бир йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган эди. Даромадидан 15 фоизи давлат фойдасига чегириб қолинини зарур эди. Бунинг 9 ойини ўтамай, бирданига гойиб бўлиб қолди. Одамларни енгидан кириб, ёқасидан чиқиб, уларни чув тушириб кетадиган одат чиқарди.

Шаҳрихонлик Муқимжон Абдураҳмонов Куйганёрга борганди. «Куйган қул» бўлишини ўйламаган, кутмаганди, албатта. Анваржоннинг сўрамаган нарсаси қолмади: қозон-товоқ, эчки-улоқ, сигир-бузоқ..

— Яхши, ҳаммаси яхши.

— Қандай шамоллар учирди биз тарафларга? Қадамингизга ҳасанот. Эшикка ўтайлик, чой-пой, дегандай...

— Раҳмат, ука. Шу томонларда сигарет сероброқ, деб эшитиб эдик. Кўринмайди чоғи?

— Сигарет сувқовоқ эмаски, ишкомларда осилиб ётса. Узатинг атаганингизни. Антиқасидан топиб бераман. «Родопи» бор. Арзонгина. Бир тутатганда бутун хуморингиз чиқади-кетади.

Мўминжон Абдураҳмонов қандай қилиб ёнидаги 240 сўм пулини «олдириб» қўйганини сезмай ҳам қолди. Аниқроғи, ўзи киссасидан чиқариб, қуртдай санаб берди.

Бу билан Анваржоннинг нафси ҳакалак отди. Шаҳрихон автостанциясида Турсунбой Сайдилохуновга дуч келди, Салом-аликни боғлидан ҳам қуюқроқ қилди.

— Юрибмиз, ака, дўппини чамбарак қилиб, — дея гердайди у. — Бир Тошкентга ўтиб келай. Автошина олиб келадиган эдим.

— Нима? Автошина? Қанақасидан?

— Ҳар қанақангисидан топилади. Пул бўлса чангалда шўрва. Сизга ҳам керакмиди, дейман?

— Икки донагинасига зориқиб турганди.

— «Лой»дан узатинг бўлмаса, бир йўла қўшиб олиб келаман.

— Ие, ёнимда 50 сўм бор экан, холос-у?

— Бўлаверади. Қолганини кейин суришамиз.

Шу-шу Турсунбой қолаверди, Анваржон кетаверди.

Орадан бир ҳафта ўтмай «ҳожатбарор йигит» яна Шаҳрихонда пайдо бўлди. Бу гал шофёр Абдумалик Нурматовга йўлиқди.

— Автошина олмайсизми, ака. Яп-янги. Тўғри Тошкентдан олиб келяпман. Омонбой аканинг машинасига ташлаб қўйибман.

— Юр бўлмаса, олиб келайлик.

37-автокорхонага боришди. Омонбой ака келмаган экан. Кутишди. Вақт тиғиз эди.

— Менга икки юз сўмгна бериб юборинг. Шиналарни Омонбой акадан олаверасиз.

Анваржон тилхат берди. Ўзи кетди. Абдумалик аканн эса маломатларга қўйиб кетди. Автокорхонада, дарҳақиқат, Омонбой исмли шофёр бор эди. Лекин, у ҳали Анваржоннинг тузоғига илинмаган экан...

Лекин кейинчалик Анваржон Мирзаевнинг ўзи ҳам «думи»дан, ҳам тилидан тузоққа тушди. Ана шунақа. Замон ҳозир нозик. Ведана қайга борса, пит-билдиқ эмас.

Ҳ. РАҲИМОВ,
Шаҳрихон район ички ишлар бўлими бош терговчиси, милиция капитани.

МАЪҚУЛ

Тошкент шаҳар 2-сил касалликлари шифохонаси ходимлари «Ўзбекистон овози» рўзномасидаги «Дайдилар ким? ўғрими ёки...» мақоласини муҳокама қилиб, шундай хулосага келдик:

Рўзномада ёритилган муаммолар бизнинг касалхонада ҳам мавжуд. Буни ҳал этиш пайти келди. Чунки жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида даволаш муассасаларида дайдилар масаласи алоҳида ўрин тутади. Мақолада кўрсатилганидек, уларни хулқатвори, жамиятда тутган ўрни жумҳуриятимизга катта иқтисодий ва маънавий зарар етказмоқда.

Шифохона ходимлари йиғилиш ўтказиб, мақолада келтирилган муаммо ва таклифларни тўла маъқулладилар. Бу қийин ва мушкул муаммони ҳал қилишда барча даволаш ташкилотлари бошлиқлари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси раҳбариятн, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошчилигида ҳал қилишларини сўрайдилар.

Ш. ТОЛИПОВ,
бош шифокор.

1.

● Черсон Яковлевичнинг шарофати

● Раҳимбой «асп юриш» қилди

● Колхозчилик — мартаба

● Кўпда Ҳизир бор

БУНДАН уч-тўрт йил муқаддам қизиқ бўлганди. Бирон киши ҳақида илиқ гап ёзмоқчи бўлсанг исми-шарифига «беш йиллик илғори» ёки ҳеч бўлмаганда «Ленининг юз йиллиги» нишони соҳиби деб қайд қилиш расмини бажо келтиришинг фарз эди. Ҳатто, хўжаликни ҳам «гигант», «машъал», «нишондор» деб таърифламасанг, у ҳақда ёзганларинг рўзнома котибининг ғаладонида чанг босиб ётаверарди.

Қумқўрғондаги «Москва» жамоа хўжалиги ҳақида мен талабалик йилларимдан бошлаб ёзганман. Анъаналарга содиқ қолиб, уни «Ипак пахта фабрикаси», «Қизил байроқ нишондори», «Иттифоқ мусобақаларининг ғолиби» деб оғиз тўлдириб таърифлаганман.

Лекин ҳеч ким бунга шак келтирмаган.

Энди замон ўзгарди, муносабатлар ўзгарди, деб эзмалик қилмоқчи эмасман. Фақат бир гапни айтаман — колхознинг номи ўзгарди. Унга кўп йиллар раислик қилган Бойматов Сафарбобо деган азиз инсоннинг номи қўйилди.

Ижозатингиз билан яна айрим ўзгаришлар ҳақида сўзласам.

Душанбе шаҳрида Кан деган тиббиёт профессори бор, Ошқозон-ичак касалликларини даволашнинг билимдони. Ўз юртида ҳурмати қандайлигини билмадим. Сурхондарёда уни Черсон Яковлевич, деб эъзозлашади.

Шу одам Бойматов номли колхоз аъзоси. Оддий аъзо. Хўжалик унга 42 гектар ерни ижарага берган. Дам олиш кунлари Кан далага келади. «Табани», «Монтана» деган ёрлиқли кийимларини ечиб қўйиб, доираси бир қулоч келадиган шляпами, кўн этикми кийиб олади. Ишлайди. Пиёз ўтайди, картошка чопади, тарвузнинг палагини бостиради. Хожатманд одам. Бирон-ярим беморнинг иши тушиб келса, «Хороссо, шас посмотрим» дейдида, қўлларини ювишга тутинади.

Ижарадорлар бултур шу 42 гектар ердан икки миллион сўмга яқин даромад олишди. Бу кимларнидир ҳайратга ва кимларнидир шубҳага солиб қўйди. Шубҳаланганлар ёздилар. «Колхоз раиси Эргаш Жумаев ижарадорлар билан тил бириктираяпти, шу йўл билан жамоа нонини туя қилишяпти, қаттиқ текшириб кўрилсин», — деб ёздилар. Шикоят бўйича уни-буни кўрган журналистлардан бири Жумаев ҳақида гуриллаган фельетон ҳам битмоқчи бўлиб юрди.

Ёзганларнинг шубҳаси қанчалик тўғри ёки нотўғри—бунга фақат Оллоҳ шоҳид. Лекин бир нарса аниқ: Жумаев Кандан чиндан ҳам фойдаланди. Кан колхозга ишбилармон қариндошларини таклиф қилди. Шу йўл билан Жумаев Жанубий Кореядан шерик топди. Улар билан тил топишди. Олди-берди бошланди. Бугун колхоз ўз тасарруфидаги пахта толасидан 70 миллион сўм фойда олмоқда. Шунинг ярми ҳа демай хўжаликнинг ғазнасига келиб тушди.

Ўша пул бугун «ишлаяпти». Ўша пул билан Кан бошлиқ ижарадорларнинг даласига яқин жойда пахта тозалаш заводи қуриляпти. Заводнинг деворлари қад кўтариб қолди. Завод пахтани мутлақо янги технология билан роликли ускуналар билан тозалайди. Заводда мой оқланади. Завод қошида ип йигириш, мато тўқиш цехи очилади.

— «Бойматов» ёрлиғи бўлган кўйлаклар ҳали жаҳон бозорида қўл-қўл бўлиб кетса ажаб эмас, — дейди раис.

— Кўйлакни Жумаев ишлаб чиқаради. Демак «Жумаев» деган ёрлиқ билан чиқади,— дейман.

Жумаев оқариб қолган қалин сочларини қўли билан орқага тараб, хандон отиб кулади. Кулганда кўзлари юмилиб кетади.

* * *

Сафар Бобомуродов колхозда партия қўмитасининг котиби эди. Котиблигини амал деб биларди. Нима, тагида гувиллаган машина. Район марказига кунига икки марта бориб келади — мажлисларга қатнашади. Вақти-вақти билан нутқ сўзлайди. Хўжаликда обрўси бор. Унга-бунга сўзи ўтади. Ҳар қадамда дўстлар. Ҳар қадамда улфатчилик. Унга яна нима керак?..

ШУНДАЙ кунларнинг бирида Бобомуродовни ишдан бўшатишди. Ҳафа бўлманг, колхозда қурилаётган консерва заводига директор бўласиз, дейишди. Бобомуродовнинг дўпписи сувга тушиб кетгандай бўлди. Лекин ўша кунлари ўғли колхозга бош муҳандис этиб тайинлангандан таскин олиб, суришмади.

Сафар акани орадан бир мунча вақт ўтиб учратиб қолдим. Шавқи ҳов ўша партком котиби бўлиб юрган пайтлардагидан юз чандон баланд. Завод қурилиши яхши кетаётганмиш. Ўзи тижоратга қўл урганмиш. Узоқ-узоқларга вагон-вагон сабзавот жўнатаётганмиш. «Юрган эканмиз. Иш бу томонда экан», — дейди у кафтларини бир-бирига завқ билан ишқалаб.

Бобомуродов заводни ишга қўшди. Мева-

2.

сабзавот консервалари ишлаб чиқарила бошланди. Лекин бу билан у мурод-мақсадимга етдим, демайди. Завод қошида спирт ишлаб чиқарадиган, ҳатто шакар ишлаб чиқарадиган цехларни очмоқчи. Раис бу таклифларга рўйхушлик қилганмиш.

Раҳимбойни (ўғлини) айтинг. Қўйиб қўйгандай отасининг тус ўзи дейсиз. Костюмининг ёқаларини аҳён-аҳёнда кўтариб қўйиши, одамлар билан муомалада галини бермаслиги, ҳатто, шахматга, бильярдга усталиги ўхшайди.

Ишларини кўрсангиз, бало экан-ку, дейсиз. Яқинда йигирматача устани Раҳимбой Владимир шаҳрининг трактор заводига ишга юборди. Усталарнинг иш ҳақини завод пул билан эмас, эҳтиёт қисм билан тўлайдиган бўлди. Ана энди у «Сельхозтехника» деган идораларнинг эшигига бориб, эҳтиёт қисм беринг деб ранги сарғайиб ўтирмайди. Эҳтиёт қисм энди керак бўлса вагони билан Владимирдан келади.

Мана сизга ёш муҳандис Раҳимбой Бобомуродовнинг ҳаёт тахтасидаги «асп юриши».

Раҳимбой билан мулоқотимиздан сўнг кўп ўтмай бир хўжаликка бордим. Хўжалик бошлиғининг каттакон идорасида одам тўла. Ҳар кунги одатдаги кенгаш бўлаяпти. Бошлиқнинг қовоғи уюқ — ўзидан катта бошлиқдан сут ишлаб чиқариш камайиб бораётгани учун «қалампир» олганмиш. Қалампирни энди ўзидан кичиклар билан баҳам кўрмоқчи.

— Зоотехник, — дейди бошлиқ секин гапириб.

БУГУННИНГ ЙЎРИҒИ

● ОЧЕРК

Зоотехник секин ўрнидан туради. Директор нимани сўрашини олдиндан билгани учунми, гапира бошлайди.

— КИР — полтара бузук, КСК (беда ўргич машиналари) ҳам бузилди. Валиқнинг шестерняси синиб кетди, — дейди.

— Сейфимда шестерня бўлса эканки, ма, ол, тезроқ машинани созла, десам. Юрганда кўчага сиғмайсан. Машинанг меникидан зиёда. Топ-да! Ишла-да!

— Мен ишлаяпман. Топаяман ҳам, — дейди зоотехник қизариб. — Битта қўйимдан кечиб КИР полтара ундириб келганимни унутдингиз-да, директор. Энди сиз ҳам ишланг. Муҳандис ишласин! Механик ишласин!..

— Қўй тўлови муддати энди муҳандисга экан-да, — деб луқма ташлайди кимдир.

— Сельхозтехникаларнинг омборчиларига қўй бериб бўлганман, — дейди муҳандис ўтирган жойида қовоғи осилиб. — Энди эҳтиёж қисмни қўй тугул туя берсанг ҳам топиш қийин бўлиб қолди. Дарё бошидан қуриган.

Дарвоқе, кеча ҳам эҳтиёт қисмнинг ғалваси бўлган экан. (Бу жанжал эртага ҳам такрорланиши тайин). Маслаҳат икки соатга чўзилди. Бир-бирларининг кўнгилларини оғритишди. Тортишишди. Ва бу тортишувларни ҳаммалари иш деб тушунишди. Бу «иш»дан улар ҳар куни чарчаб-ҳориб уйларига тарқалишади Ўтга тўймаган сигирларнинг сути эса кундан-кунга камайиб бораверарди.

Мен уларга: «Раҳимбой Владимирдан эҳтиёт қисм олиб келаяпти, ортиқчасини сотса керак», — дедим. Яна мен уларга Раҳимбойнинг уста шахматчилигини айтдим. Бозор шароитида унинг «асп юриш»ларидан ўрганиш зиён қилмаслигини таъкидладим. Улар менинг бу «бепул» маслаҳатларимни эшитишмади. Танаффузсиз икки соатлик мажлисдан ғоят толиқишган эди.

— Одамларнинг колхоздан олаётган ойлик даромадлари қанчадан тушаяпти? — Республика Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев хўжаликка келганда раисдан сўраган биринчи гапи шу бўлди.

— Икки ярим минг. Бултур бир минг олтмиш бўлган эди, — жавоб берди раис.

— Маошдан бўлак улар колхоздан яна нималар олишади?

— Минг гектар майдонда ғалла етиштирдик. Икки юз гектарида шоли. Бедамиз—минг гектар. Доннинг ҳаммасидан одамларга арзон нархда сотамиз. Тўрт мингга яқин қорамол бор. Рухсат бўлса, колхозчи учун колхознинг

3.

гўшт дўконини очамиз. Одамларимиз магазиндан асосан саноат молларини сотиб оладилар... Бу йил ярим миллиард сўмлик даромад олишни кўзлаб турибмиз.

— Бош имкониятни нимада деб биласиз?

— Интизомда. Менимча, интизомни фақат меҳнатга боғламаслик керак. Меҳнат интизоми деймиз. Бу — маъноси тор гап. Муомалада, кундалик ҳаётда, ҳатто, бир оғиз каломда интизом бўлмас экан, меҳнат интизоми ҳам бўлмайди. Умуман, адолат бўлмаган жойда интизом бўлмайди. Демак, бош имкониятимиз — адолат...

Раиснинг бу гапларидан кейин мен колхозда бўлиб ўтган бир можарони эсладим.

САФАР, Ражаб деган колхозчилар бригадирнинг айтганини қилишмади. Ишдан бўйин товлашди. Бу ҳам етмагандай, ёқа йиртарлик қилишди. «Сен, бригадир ўғрисан, кўпнинг ҳақини ейсан, иккала кўзингни ўйиб олмоқ керак», — дейишди. Дод адолатсизликдан, деб жар солишди.

Олдинига бу гапларни эшитиб-эшитмаганга, кўриб-кўрмаганга олдилар. Ҳай босилар-да, деб ўйладилар. Йўқ, жанжалкашларнинг димоғи кундан-кунга арпа бўйи ўсаверди. Туҳмат қилишдан ҳақорат қилишга, мушт кўтаришга ўтишди.

Бир куни жамоа йиғилди. Гапни бир жойга қўйишди. Элнинг тинчлигини бузадиганларга орамизда ўрин йўқ, дейишди.

Тартиббузарлар қарасаки, вазият чатоқ. Иссиқ жойдан қўзғалишга тўғри келяпти. Ахир, кўпнинг иродаси ҳар қандай қонундан улуғ.

Улар бирдан ҳушёр тортишди. Раиснинг номига ариза ёзишди. Тавба-тазаррумизни қабул қилиб, бизни колхозчиликдан бўшатманг, деб ёзишди.

Аризани ўқиб раис қулди. «Колхозчиликдан бўшатманг» деган гапни ўқиб кулди, «Колхозчиликни одамлар мартаба билишиптими, демак, ёмон ишламаётган эқанмиз», — деди. Раиснинг аралашуви билан жамоа уларни авф қилди.

* * *

Бандихон деган янги район ташкил этилар экан, деган овоза тарқалди. Суҳбатдошлардан бири шу овоза ҳақида гап очди ва «Менга қолса Эргаш ака, янги районнинг ҳокимлигига сизни тайинлаган бўлар эдим», — деди, Жумаев хандон отиб кулди.

— Ёш ўтяпти. Шу колхоздан жилмайман энди, — деди жиддий. — Раисликдан бўшатишса, колхозчи бўламан. Бир донишманд, обод жойнинг гадойлиги ҳам мартаба деган экан. (Мен яна Сафар ва Ражабларнинг, бизни колхозчиликдан бўшатманг, деб ёзган аризаларини эсладим).

— Унда, гурунг-да буям, янги районнинг ҳокими ким бўлади, деб ўйлайсиз?— деб сўради яна ўша суҳбатдош.

— Бизда жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга энди-энди ўрганилаяпти, — деди кулиб Жумаев. — Фалончилар шу мартабага лойиқдир деб айтолмаганим энди тушунарлидир. Адолатли раҳбар — элнинг бахти. Бир дуч келганни дўққилатиб олиб бориб қўйишса... Раҳбар дегани тадбир тузувчи дегани. Раҳбарнинг уқувлиси ҳам, уқувсизи ҳам тадбир билан ишлайди. Лекин уқувлисининг тадбирлари кўпроқ бўлади. Уқувсиз раҳбарлар ўзларининг уқувсизлигини яширишга, ўзини ҳимоя қилишга, ўзини ниқоблашга қаратилган майда-чуйда тадбирларга би-ир ёпишиб оладиларки... Энг ёмони, бу майда-чуйда тадбирларни одамлар кўрмайди, деб ўйлашади. Бу сиёсатнинг оқибатини айтинг: аризабозлик, жанжал, шовқин-сурон, гуруҳвозлик. Ўшанда ҳам бояги раҳбар, айб ўзимдан ўтяпти, демайди. Аксинча, демократияни олабўжига чиқаради. Замон айниган, одамлар айниган, дейди. Замонни сўкдими, одамларни қарғадими, бу ўша раҳбарнинг инқирозидан нишонадир. Кимнинг кимлигини элнинг ўзи билиб қўйипти. Кўпда Ҳизир бор. Кўпдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди.

* * *

Бир метр қувурнинг нархи минг сўмга чиқиб кетган бир замонда колхознинг ишбилармонлари хўжаликларга тўрт ойда ўттиз вагон қувур келтиришди. Чаён тепа, Лалмикор адирларини боғ-роғга айлантириш учун бульдозер, скрейпер ишлатмадилар. Насос ўрнатилиб, қувурлар тортиб қўйилди, холос.

Шундай қилиб колхозда икки йилда адир жойларда бир ярим минг гектарлик янги боғ яратилди. Ҳатто, сувни ташиб чиқариш қийин кўринган Лалмикор адирлиги устига ичимлик суви қувури ўрнатилди. Шу ердан одамларга томорқа берилди. Томорқа берилмасдан олдин мактаб қуриб қўйилди. Йўллар созланяпти.

Эргаш Жумаев айтади: «Насиб этиб пенсияга чиқсам, шу адирларнинг энг баландига кўчиб келаман. Шу ердан узоқ-узоқлар кўриниб туради, бутун жаҳон кўринади. Тўртта қўйни боқиб, худди эртаклардаги одамлардай осойишта яшаш қандай яхши».

Адир шамоли унинг оппоқ сочларини тўзғитади. Жумаев бунга парво қилмайди. Узоқ-узоқларга қарайди. Файласуфча донишмандлик билан эмас, болаларча завқ-шавқ билан қарайди. Узоқ-узоқларга... Бутун жаҳонга...

Олимжон УСАНОВ.

СПОРТ

ПОЛВОН ХОТИРАСИ

● БУХОРО. Қоракўл районида ўзига хос спорт байрами бўлиб ўтди. Бу ерда таниқли полвон Турсун Ота Юсупов хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ўтказилди.

Миллий кураш бўйича ўтказилган бу мусобақага «Турон» биржаси билан «Турсун» савдо фирмаси ҳомийлик қилди. Мусобақани бош ҳакам Оврўпо ва жаҳон чемпиони Собир Қурбонов бошқарди. Беллашувларда Гуржистон, Туркманистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон ҳамда ўзбекистонлик полвонлар ўзаро куч синашдилар. Ғолиблар полвонларнинг ёшларига қараб белгиланди. Жумладан, 35 ёшгача бўлган полвонлар орасида гуржистонлик Б. Хачиашвили ғалаба қозонган бўлса, 80 килограмм вазнлик спортчилар орасида қашқадарёлик Абдуқодир Пирматов биринчи бўлди. 45 ёшгача бўлган полвонлар баҳси ҳам қизиқарли ўтди. Бунда қоракўллик Т. Эргашев билан Х. Аллаберганов зафар қучдилар. 60 ёшгача бўлган полвонлар орасида қоракўллик Нормуҳаммад Юсупов билан қашқадарёлик Хайра Бонюлев ғолиблик суппасига кўтарилишди. 60 ёшдан ошган отахонлардан Усмон Даминов, (Қоракўл), Эгамберди Ниязов (Хоразм) маҳорат кўрсатдилар. Мутлақ ғолиблик шаҳрисабзлик Абдуқодир Пирматовга насиб этди. Кўпчиликда катта таассурот колдирган бу мусобақа Ўзбекистонда миллий курашни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

ИБН СИНО МАДАДИ

МАЛҲАМ МАНБАЛАРИ

Тошкентдаги «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси чет мамлакатлардаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан алоқани яхши йўлга қўйиб боряпти. Яқинда бирлашма 48 хил дори-дармонни нақд валютага харид қилиб олди.

Пировардида чет давлатлар билан тўғридан-тўғри дори-дармонларни харид қилувчи «Формация» ва «Сайдана» кичик корхоналари вужудга келди.

Айни пайтда шаҳар аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида маҳаллаларда янги дорихоналар ва поликлиникалар очилди ва очилмоқда.

Ҳозирги кунда амбулатория-поликлиникалари шаҳар даволаш муассасаларининг 70 фоизини ташкил этади. Айрим поликлиникалар қошида эса кундузги шифохоналар очилди.

Шаҳарнинг олтита районидаги ўн битта поликлиникасида замонавий қисқа товушли ташхис қўйиш мосламалари ишлаб турибди. Беморларга юқори савияда ихтисослашган тиббиёт ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар маслаҳат ва ташхис қўйиш маркази очилди. У энг замонавий табобат асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Шу йил 7-шифохона қошида очилган гинекология бўлими ва сунъий буйрак марказида малакали ходимлар беморлар дардига малҳам бўлмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

С. НОСИРОВА,
Тошкент «Саломатлик» маркази ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

БУХОРО ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ

1992—1993 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

1. 1205 — Ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
2. 2810 — Тикув технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
3. 2204 — Электрон ҳисоблаш машиналари ва ҳисоблаш техникаларини программалаштириш бўлими бўйича техник операторлар тайёрлайди. Кундузги бўлимда ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1. 1205 — Ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
2. 3113 — Қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича техник-механик ва ишлаб чиқариш устаси.
3. 2810 — Тикув технологияси ва ишлаб чиқариш устаси
4. 2903 — Бинолар, иншоотлар қурилиши ва уларни эксплуатация қилиш бўйича техник қурувчи ва ишлаб чиқариш устаси тайёрлайди. Сиртқи бўлимда ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

Кундузги бўлимга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, бепул кийим-бош берилади, қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. Математика — оғзаки.
2. Она тили ва адабиёти — диктант.
3. Танланган касби бўйича синов имтиҳони.

Кундузги бўлимга ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга ҳужжатлар 16 июлгача қабул қилинади.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши шарт:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси).
3. Соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома (086/У формаси).
4. 3×4 сантиметр катталикдаги 6 дона фотосурат.
5. Халқ таълими бошқармаси ва билим юртларидан йўлланма.
6. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизматдан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.
7. Сиртқи бўлимга кирувчилар учун юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари меҳнат дафтарчасидан кўчирма лозим.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: 705004. Бухоро шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 9-уй.

Телефонлар: 5-81-08, 5-81-11, 5-59-55.

1-, 3-, 5-, 10-, 16-автобуслар ва 1-троллейбуснинг ЦУМ бекати.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА

исталган тип ва навдаги пахтангизни СОТИБ БЕРАМИЗ ҳамда ОЛИБ БЕРАМИЗ.

Республикадан ташқарига чиқариш учун руҳсат олишга КЎМАКЛАШАМИЗ.

Бизнинг телефон: (3712) 39-11-10
Телефакс 33-72-58

"ДЭЛОС"

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИРРИГАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар таркибига бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— чет тиллар:

— электрон ҳисоблаш машинасида, математик моделлар ва ҳисоб-китоб усуллари кафедраси мудирлари.

— Педагогика ва методик ўқитиш (0,25) бўйича профессор.

Кўрик муддати эълон чиққандан сўнг бир ой.

Ўзбек ва рус тилларини биладиган шахслар имтиёзли ҳуқуқга эга.

Мурожаат этиш учун бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39, кадрлар бўлими.

Телефон: 33-14-39.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Бир қанча нашрларда «Бирлик» ҳаракатининг раҳбарлари А. Пўлатов билан М. Одиловга ҳужум қилинганлиги ҳақида хабарлар берилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири бу хабарни тушунтириб беришни сўраб Тошкент шаҳар прокуратурасига мурожаат қилди.

Мухбирга айтишларича, ҳақиқатан ҳам 29 июнь куни кечки пайт безорилар А. Пўлатов билан М. Одиловга жароҳат етказганлар. А. Пўлатовнинг боши лат еган, бош мияси бироз шикастланган, унга зарур тиббий ёрдам кўрсатилган. Ҳозир унинг аҳволи қониқарли.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг тергов бошқармаси Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 204-моддасининг 3-қисмидаги белгилари юзасидан жиноий иш қўзғатилди. Айбдор шахсларни аниқлаш чоралари кўрилди.

● *Қардошлик ришталари*

ЎРГАНСА АРЗИЙДИ

● Қондош-қондошидан ҳеч қачон кечиб кетолмайди. Жондош жондошини барибир бир кун қидириб топади. Республикамиз учун мушкул бўлган ҳозирги пайтда бизга ана шу жондош-қондошимиз турк эли ҳар томонлама кўмак беряпти. Бу фақат моддий ёрдам эмас, очиғини айтиш керак, биз кўп жиҳатдан маънавий кўмакка ҳам муҳтожмиз. Шу боис республика маорифи вакиллари Туркияда бўлиб, у ердаги миллий таълим тизими билан яқиндан танишишди. Кўп нарсаларни ўрганишди, ҳамкасблари билан фикр алмашишди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Туркия Республикаси Миллий таълим вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш борасида шартнома тузилди.

Мазкур шартномага кўра, шу йилнинг 1 сентябрига қадар Тошкентда турк ва инглиз тиллари бўйича лицей ташкил қилинади. Туркиянинг Чурим шаҳридаги ўқитувчилар пансионатига бизнинг 25 нафар турк тили, тарих ва география ўқитувчилари малака ошириш учун юборилади. Шунингдек, турк муаллимлари ҳам А. Авлоний номли халқ таълими ходимларининг марказий малака ошириш институтига бир ойлик ўқишга келишади. Энг муҳими, шартномага асосан ўқув-методика адабиётлари ва кўргазмали қуроллар алмашиш масаласи ҳам кўзда тутилган.

Республика Ўқитувчилар уйида Туркия миллий таълимига бағишланган кўргазманинг ташкил этилиши давлатларимиз ўртасидаги бундай ҳамкорликнинг ифодаси дейиш мумкин. «Ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар маориф соҳасига ҳам таъсир этмай қолмаяпти, — дейди Ўқитувчилар уйи директори муовини Р. Аҳроров. — Бу эса халқ таълими соҳасида катта бурилишлар ясаш лозимлигини, муҳими билимдон, ақтисодиётимиз тараққиётига нафи тегадиган ёшларни етказиб беришни тақозо этмоқда. Шу маънода биз маорифчиларимизни турк миллий таълими тизими билан яқиндан таништирмоқчи бўлдик. Зеро, турк оғаларидан ўрганиш фойдадан ҳоли эмас».

«Миллатимиз тарбиясида илм ва билим юксак бўлиши керак», деган эди турк элининг даҳоси М. К. Отатурк. Кўргазмага қўйилган турк миллий таълими тизимининг тузилиши, тарбияда таълим даври ва ҳафталик дарс соати, ўқитувчилар тайёрлаш тизими, вазирликларнинг ишлаш системаси сингари турли мавзудаги намуналарда бу фикрни янада яққол уқиш мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, Туркия миллий таълими тизимида ўқувчиларнинг касб-кор ўрганишларига катта эътибор берилади. Биринчи-бешинчи синфлар бошланғич таълим ҳисобланиб, уни тугатгач, ўқувчилар тест синовидан ўтишади. Кейин эса қобилияти, лаёқатига яраша лицейларга бўлинадилар. У ерда техника лицейлари жуда кўп бўлиб, ўқитувчилар ҳам шунга ихтисослашган. Ўқувчилар ўзлари хоҳлаган касб бўйича ўқишни давом эттирадилар. Уларнинг ёшликдан ҳунар ўрганишлари келажакда ишбилармон, ўз касбининг моҳир устаси бўлиб етишларида муҳим омил ҳисобланади.

Кўргазмага турк миллий таълимида фойдаланиладиган дарсликлар, ўқув программалари намуналари ҳам қўйилган. Жумладан, ишлаб чиқариш лицейи матбуот сирларини ўргатиши шубҳасиз. Айниқса, оила, ота-она, фарзанд муаммолари таҳлил этилган, гўзал Анатолия шаҳри коллежи, лицейлардаги ўқувчилар ҳаёти, таълим-тарбия бериш жараёнидаги ажойиб китоблар, ундаги чиройли фотосуратлар, рангоранг газеталар ҳеч қайси томошабинни эътиборсиз қолдирмайди.

Туркия Конституциясининг 42-бандида «Ҳеч ким таълим ва тарбиядан четда қолмайди. Бошланғич таълим барча ватандошлар, ўғил ва қиз болалар учун мажбурийдир. Давлат мактабларида таълим текиндир. Таълим муассасаларида туркчадан ўзга ҳеч қандай тил она тили сифатида ўқитилмайди ва ўргатилмайди», дейилади. Турк миллий таълими тизимининг афзал томонларидан бири ҳам ўқувчиларнинг она тилида ўқитилиши бўлса, ажабмас. Ахир ҳар қандай эзгу ишларни амалга ошириш ҳам она тилига эътибор, ҳурмат билан белгиланмайдими?

Турк миллий таълимининг асосий хусусиятларидан ҳар қанча ўрганса арзийди. Бироқ уни республика халқ таълими тизими учун айнан андоза деб қараб ҳам бўлмайди. Шуни унутмаслик керакки, ўзимизда ҳам ўрганса, ўргатса арзийдиган томонлар талайгина. Ҳозир республикамиздаги олтита вилоятда турк лицейлари очилган. У ерда асосан турк тили ўргатиляпти. Яқинда Тошкентда ҳунартехника билим юртлари бўйича Туркиядаги таълим-тарбия, ҳунар ўрганиш борасида қаттиқ талабга жавоб бера оладиган, ўқишни эплайдиган ўқувчилар орасида танлов ўтказилди. Унинг ғолиблари бу йил ўқишни Туркия лицейларида давом эттириш билан бирга қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, енгил саноат соҳаси бўйича касб-кор ўрганадилар. Кейинчалик ўқишни яхши тугатганлар ўша ерда қолиб, техника университетларида билим олишни давом эттиришлари мумкин. Бу эса мустақил республикамиз тараққиёти учун нақадар зарур бўлган мутахассислар, ишбилармонларнинг вақти келиб, жаҳон бозори муаммолари билан тиллаша оладиган етук кадрларнинг янада кўпайишига заминдир.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-46; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.

Буюртма № Г — 127.

№ 129.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 22.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.